

# Куч – адолатда

Адл ила олам юзин обод қил!

2026 йил  
20 феврал,  
жума  
№ 7  
(1093)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.kuch-adolatda.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ БАРҚАРОР СУРЪАТДА РИВОЖЛАНМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан Тинчлик кенгашининг дастлабки йигилишида иштирок этиш учун амалий таширф билан Вашингтон шаҳрида бўлиб турибди.**

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Вашингтонга амалий таширфи АҚШ савдо вазири Ховард Латник билан учрашувдан бошланди.

Ўзбекистон – АҚШ стратегик шериклигини янада мустаҳкамлашнинг амалий жиҳатлари, шунингдек, устувор йўналишларда кооперация лойиҳаларини илгари суриш масалалари муҳокама қилинди.

Қўшма Штатлар Ўзбекистоннинг асосий шерикларидан бири эканлиги мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро савдо ҳажми 1 миллиард доллардан ошди, мамлакатимиз бозорида АҚШнинг 340 га яқин компаниялари фаолият юритмоқда.

Энергетика, ўта муҳим минераллар, транспорт, қишлоқ ҳўжалиги, ахборот технологиялари ва бошқа соҳаларда йирик лойиҳалар муваф-

фақиятли амалга оширилмоқда.

Қиймати 35 миллиард доллар бўлган уч йиллик Иқтисодий ҳамкорлик дастури амал қилмоқда.

Устувор лойиҳаларни тизимли қўллаб-қувватлаш учун яқинда ташкил этилган Ишбилармонлик кенгашининг имкониятларидан фойдаланиш ва Инвестиция платформасини ишга тушириш зарурлиги таъкидланди.

Савдо муносабатларини ривожлантириш ҳамда Ўзбекистон ҳудудлари билан тўғридан-тўғри ишбилармонлик алоқаларини кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Вашингтон шаҳрига таширфнинг ишбилармонлик тadbирлари давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШ Экспорт-импорт банки президенти ва раиси Жон Йованович ҳамда Халқаро молиявий тараққиёт корпорацияси (DFC) бош ижрочи директори Бэн Блэкини қабул қилди.

Ўтган йили Президент Дональд Трамп билан бўлиб ўтган музокаралар АҚШ ишбилармон доиралари билан савдо-инвестициявий ҳамкорликни кенгайтиришга кучли туртки бергани таъкидланди.

Ишбилармонлик кенгаши фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва устувор лойиҳаларни тизимли илгари суриш учун Инвестиция платформасини ишга туширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Эксимбанк билан ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинди. Йирик саноат ва инфратузилмавий лойиҳаларни молиялаштиришни кенгайтириш ҳамда юқори технологияли усуналар етказиб беришни қўллаб-қувватлаш шулар жумласидан.

DFC раҳбарияти билан суҳбатда инвестициявий ҳамкорлик механизmlарини мустаҳкамлаш муҳимлиги таъкидланди. Корпорациянинг йирик миллий ва минтақавий лойиҳаларда иштирок этиш, молия бозори ва энергетика тармоғини ривожлантириш бўйича режалари қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Президенти АҚШ томонини Тошкент халқаро инвестиция форумида иштирок этишга таклиф қилди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари ҳузурида таширф давомида имзоланган Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида инвестиция платформасини

ташкил этиш тўғрисидаги битим амалшилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Вашингтонга амалий таширфи доирасидаги ишбилармонлик учрашувларининг навбатдагиси АҚШ савдо вакили Жеймисон Грир билан бўлди.

Қўшма лойиҳалар доирасида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросимининг амалий натижалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон – АҚШ стратегик шериклик муносабатлари, энг аввало, савдо-иқтисодиёт ва инвестиция соҳаларида барқарор суръатда ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Ўзаро савдони кўпайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишдаги муваффақиятлар мамнуният билан қайд этилди. Ўтган йили товар айирбошлаш ҳажми 1 миллиард доллардан ошди.

Мамлакатимизнинг ЖСТга аъзо бўлиш жараёнини якунига етказишга оид масалаларда амалий ҳамкорликни кучайтириш ва АҚШ томонидан ушбу жараёнларни янада қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 3-бетда) ►

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар! Аввало, сиз, азизларни, бутун халқимизни юртимизга меҳр-оқибат, хайру саховат ва шукроналик тимсоли бўлган муқаддас Рамазон ойининг келиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Албатта, ушбу қутлуг айёмда барчамизни Рамазонни шарифга мана шундай тарзда ўтказиш мақсадида бу йил ҳам мамлакатимизда катта тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, маҳалла ва уй-жойлар, масжид ва мадрасаларни обод қилиш, кекса, ногирон ва ёрдамга муҳтож шахсларнинг ҳолидан хабар олиш, қўшнилари, яқин қариндошларга меҳр ва эътибор кўрсатиш, ибодат ва ифтор маросимларини тартибли ўтказишга

хонадон ва маҳалла аҳллари, жамоатчилик вакиллари тарафидан алоҳида аҳамият берилмоқда.

Буларнинг барчаси бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини, инсонпарварлик тамойилларини мустаҳкамлаш, юртимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилиши табиий, албатта.

Рамазон ойининг улуг фазилатлари, ахлоқий-маънавий аҳамияти айнан ана шундай олижаноб ишларда яққол намоён бўлади, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, кейинги йилларда инсон қадрини, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий адолат Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, шу асосда амалга ошираётган кенг қўламли илохотларимиз халқимиз ҳаётини тубдан ўзгартираётганини таъкидлаш ўринлидир.

(Давоми 2-бетда) ►

## Қонунчиликдаги янгиликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор бир қатор масалалар, жумладан, рақамли маркировкалаш тизими самарадорлигини ошириш, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.

Парламент фаолияти



### Рақамли маркировкалаш тизими ва очиқлик кафолати

Дастлаб депутатлар томонидан рақамли маркировкалаш тизими самарадорлигини депутатлар қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда) ►

### Ислохот ва самара

## Рақамли адолат сари:

### суд тизимидаги янгиликлар — халқ учун

Бугунги глобал рақамли маконда жамият ҳаётининг барча соҳалари чуқур трансформация жараёнини бошдан кечираётгани — давр талаби. Чунки замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимизга фақат қулайлик эмас, балки янги тафаккур, янги бошқарув ва янги адолат мезонларини тақдим этмоқда.

Бу жараён суд-ҳуқуқ тизимини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Аксинча, одил судловни таъминлашда рақамли ечимлар жорий этилиши бугунги кунда объектив заруратга айланди.

Янги Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, суд мустақиллигини

мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилангани бежиз эмас. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари томонидан бу соҳада қабул қилинаётган фармон ва қарорлар суд-



Бобир ИСЛАМОВ, Тошкент шаҳар суди раиси ўринбосари – фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси

ларнинг очиқ, шаффоф ва халққа яқин институт сифатида шаклланишига хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда) ►

## Шарҳ

### Болалар — эртанги кунимиз эгалари



Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш борасидаги муҳим қадам

Янги таҳрирдаги Конституциямизда болаларнинг соғлиғи, хавфсизлиги, тўлиқ жисмоний, ақлий ва маънавий ривожланишини, иқтисоди ва истеъдодини юзага чиқаришни таъминловчи кафолатлар кучайтирилди. Шу асосда бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари тобора тақомиллаштирилиб борилмоқда.

(Давоми 3-бетда) ►

### Оқлов!

## АВЕЗОВ АЙБДОР ЭМАС

ёки исботланмаган қонун талаблари

Бугунги кунда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида жорий этилган янгиликлар ва ўзгаришлар амалда кутилган самараларни бермоқда. Жумладан, судлар томонидан 2025 йилда 422 нафар шахс оқлангани судьялар мустақил қарор қабул қилаётганидан далолатдир.

(Давоми 2-бетда) ►

### Менда таклиф бор

## Жамоавий ариза бериш

### унинг ҳуқуқий жиҳатлари нималардан иборат?

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида қатъият билан амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида хорижий давлатлар тажрибасидан муваффақиятли ўтган институт ва тамойилларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мисол учун кўплаб хорижий давлатлар маъмурий судларида жамоавий ариза бериш институти кенг қўлланилади. Президентимизнинг 2025 йил 30 январдаги “Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан ҳам маъмурий судларда ушбу тартибда ариза беришни жорий этиш муҳим вазифа сифатида белгиланган.

(Давоми 3-бетда) ►

Тарих тилсимлари

Ўлмас УМАРБЕКОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

## Қизимга мактублар

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Кечки пайт Зуҳра кетиши олдидан Татьяна Дмитриевнага учрадим.

— Сиз айтгандек қиламан. Аммо Шенталга бугун жавоб бермайман.

— Тўғри, шошилманг, — деди у.

Останкино телевидениесининг олтинчи каналида «Тун бўсағасида!» фильмининг давоми кетяпти. Овози-

ни пасайтириб, қараб-қараб қўяман. Анчагина мураккаб асар кўринади. Аммо менинг ҳозирги аҳволим ундан ҳам мураккаб. Эртага мени нима кутаётганикин? Худонинг хоҳиши билан мўъжиза юз бериши мумкинми? Яъни, докторлардан биттаси келиб, томограф нотўғри кўрсатибди, сиз соғсиз, дейиши мумкинми?

(Давоми 4-бетда) ►

## Парламент фаолияти

## Қонунчиликдаги янгиликлар

## ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Қонун лойиҳасида ма-софавий солиқ текшируви жараёнларини тезкор ташкил этиш, солиқ тўловчи ху-зурига бормасдан назорат тадбирларини амалга оши-риш ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ор-тиқча аралашувларнинг олдини олишга қаратилган нормалар назарда тутил-моқда.

Муҳокамада таъкидлан-ганидек, рақамли марк-ировкаланиш қоидаларининг бузилиши ҳар доим ҳам қасддан содир этилма-сан,

Ушбу солиқ текшируви-да ҳуқуқбузарлик ахбо-рот тизимлари орқали аниқланганда, дастлаб икки марта оғоҳланти-риш бериллади. Бундан кўзланган мақсад тад-биркорни жазолаш эмас, балки тизим талабларига мос ишлаш маданиятини шакллантиришдан иборат. Маркировкалаш тизими янги ва техник жиҳатдан мураккаб жараён эканини инобатга олиб, тадбиркор-лар кўниқиши учун вақт ва имконият берилиши ҳам қонун лойиҳасида кўзда

тутилмоқда.

Муҳокамада депу-татлар томонидан мазкур ташаббус рақамли мар-кировкалаш қоидаларини маъмуриликка кўра (Со-лиқ кодексининг 227<sup>1</sup>-мод-даси) умумий тартибда молиявий жарама қўлла-нилмоқда. Солиқ маъму-ричилигида кўп ҳолатларда интернет узиллиши, маъ-лумотлар интеграцияси келиши ва бошқа техник хато-лар сабабли бундай вазиятлар юзага келиши, тадбиркор қасддан солиқ тўлашдан бўйин товлашни мақсад қилмаганини эъти-борга олиб, профилактика нуқтаи назаридан, янги тек-ширув турини жорий қилиш тақлиф қилинмоқда.

Муҳокамадан сўнг қо-нун лойиҳаси қабул қилин-ди ва Сенатга юборилди.

## МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ИШ САМАРАДОРЛИГИ ОШИРИЛМОҚДА



Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик та-шаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган “Маҳал-лий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунга ўз-гарттиш ва қўшимчалар ки-ритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси бил-лан халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши раиса ўринбосари институтини жорий этиш, унга бир вақт-нинг ўзида Кенгаш қотиби-яти мудир вазифасини бажариш ҳамда Кенгаш қотибияти ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш ваколатларини бериш на-зарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, маҳал-лий Кенгашлар фаолияти-ни самарали ташкил этиш мақсадида, маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартиби лойиҳасини

шакллантириш, доимий комиссиялар ишини муво-фиқлаштириш ва бошқа ташкилий ваколатларга эга Кенгаш Раёсати ин-ститутини жорий этилиб, унинг иш фаолияти тарти-би белгиланмоқда.

Бундан ташқари Кен-гашларда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органла-ри раҳбарларининг айрим муҳим ижтимоий масала-лар юзасидан ахборот-ларини эшитиш бўйича “Кенгаш соати” институти ҳам жорий қилинмоқда. Бундан кўзланган мақ-сад маҳаллий давлат ҳо-кимияти органларининг жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлигини ошириш ҳамда таъсирчан жамо-атчилик назоратини мус-таҳкамлашдан иборат.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депу-татлар томонидан бирин-чи ўқишда қабул қилинди.

ПАРЛАМЕНТ АХБОРОТ МАРКАЗИ

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ТАБРИГИ

## ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Жорий йилни мамлақати-мизда “Маҳаллани ривож-лантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эъ-лон қилганимиз ва бу борада тегишли амалий ишларни бошлаб юборганимиз зами-рида ҳам ана шундай буюк интилишлар мужассамдир.

Жамиятни юксалтириш асоси маҳалладир. Чунки маҳаллада ўсиш ва ўзгариш бўлса, бутун жамият ривож-ланади. Маҳаллаларимиз-нинг ютуғи ва фаровонлиги пировард натижада бутун жамиятнинг ютуғи ва фаро-вонлиги сифатида намоён бўлади.

Азиз дўстлар!  
Кўтлуғ заминимиз узра

Аллоҳ таолонинг марҳамати ёғилиб турган мана шундай саодатли кунларда аждод-лар хотирасини, уларнинг эзгу ишлари, хайрли амал-ларини эслаш ва давом этти-риш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Сўнги йилларда мамла-катимизда ислом дини ва маданияти равнақиға беқиёс ҳисса қўшган буюк аллома-ларимизнинг муқаддас қа-дамжоларини обод қилиш, илмий меросини тиклаш ва ўрганиш, халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўртасида тарғиб этиш бўйича кўпгина ишлар-ни амалга ошираётганимиз сизларга яхши маълум, ал-батта.

Улуғ аждодларимизнинг

шонли аъноларига са-доқат билан яшаб келаётган халқимизнинг азму шижо-ати билан ноёб меъморий лойиҳалар асосида Тошкент шаҳрида – Ислот цивилиза-цияси маркази, Самарқандда эса буюк муҳаддис бобомиз Имом Бухорий мажмуасини бунёд этиш ишлари якунига етказилганини фахр билан айтиб ўтмоқчиман.

Рамазони шариф кунла-рида муҳтарам уламола-римиз, илм-фан ва ижод аҳли, кенг жамоатчилик ва-киллари иштирокида ана шу табарруқ масканларда буюк азиз-авлиё ва алло-маларимиз хотирасига эҳ-сон дастурхонлари ёзиб, бу муқаддас зиёратгоҳлар

эшиklarини халқимиз учун кенг очишни режа қилган-миз ва бу ишларни албатта амалга ошираемиз.

Афсуски, ҳозирги вақтда жаҳоннинг турли минтақа-ларида уруш ва жанжаллар давом этмоқда. Пок ниятлар қабул бўладиган ушбу мубо-рак айёмда низо ва адоват-лар барҳам топиб, тинчлик, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик алоқалари қарор топишни чин дилдан истаб қоламиз. Фурсатдан фойдаланиб, узоқ ва яқин мамлакатларда-ги ватандошларимизга, бу-тун мусулмон умматига ҳам самимий табрик ва тилақла-римизни йўллаймиз.

Муҳтарам юртдошлар!  
Сизларни эзгулик,

меҳр-муруват ва барака ойи – моҳи Рамазоннинг бош-ланиши билан яна бир бор табриклайман.

Ушбу шуқуҳли кунларда барчангизга сиҳат-саломат-лик, оилавий бахт-саодат, хонадонларингизга тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Ўза кунларида қилина-диган барча ибодатлар, эзгу ният ва амаллар ижобат бўл-син!

Халқимизни, Ватанимизни Яратганнинг ўзи паноҳида асрасин!

Рамазон ойи барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Сўнги йилларда суд тизимида очиклик ва тезкорлиқни таъминлаш, бюрократик тўсиқлар ва инсон оми-лини камайтириш, коррупцияга қар-ши самарали курашишга қаратилган ўндан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳуж-жат қабул қилинди. Мазкур ҳуқуқий асослар суд ишларини юритишда за-монавий бошқарув механизмларини жорий этиш, суд фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш-га замин яратди.

Натижада барча суд ин-станцияларида ишлар ўз вақтида ва қонуний кўриб чиқилишини таъ-минловчи самарали назорат тизими шаклланди. Судлов жараёнларида автоматлаштириш даражаси ошди, судьялар фаолиятига оид маълум-отларни йиғиш ва таҳлил қилиш тизимли равишда йўлга қўйилди. Бу эса, қарор қабул қилишда энг муҳим мезон — ҳолислик ва қонунийликни янада мустаҳкамламоқда.

Айниқса, Президентимизнинг 2025 йил 21 августда қабул қилган ПФ-140-сонли Фармони суд тизимида рақамли трансформацияни мутлақо янги босқичга олиб чиқди. Унга муво-фиқ, суд ишларини юритишда қоғоз шаклидан босқичма-босқич воз кечи-ш ва “Рақамли суд” концепцияси асосида ишларни тўлиқ электрон форматда юритиш белгиланди. Бу ёндашув ортиқча қоғозбозликни бар-тараф этиш, одил судловда инсон омилини камайтириш ва коррупция-вий хавфларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шундай қулайликлар асосида бу-гунги кунда фуқаролар ўзларини қи-зиқтирган суд ишлари билан электрон тарзда танишиши, суд мажлиси са-наси ва вақти ҳақида онлайн тарзда маълумот олиши, судларга электрон муурожаат йўллаши ҳамда видеоқон-



ференцалоқа орқали масофадан ту-риб, суд жараёнларида иштирок эти-ши мумкин. Бу имкониятлар аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун суд хизматларидан фойдаланишда шу пайтгача мисли кўрилмаган қулай-лик ва ошқоралиқни таъминлаётгани айни мuddао бўлди.

Эътироф этиш ўринлики, ушбу ис-лохотлар Тошкент шаҳар суди фуқа-ролик ишлари бўйича судлов ҳайъ-ати фаолиятида ҳам ўз ифодасини топди. Хусусан, 2025 йилда Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича судларида биринчи инстанцияда 517 мингдан ортиқ иш кўрилгани ва бу кўрсаткич 2024 йилга нисбатан икки барбардан зиёд ўсгани билан янада аҳамиятлидир.

Албатта, ишлар сонининг йил-дан-йилга ортиб бориши, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва суд тизимига бўлган ишончи юксалиб бо-раётганидан далолат беради. Шу билан бирга, судлар зиммасидаги юк-ла-ма юқори эканига қарамай, ишлар белгиланган мuddатларда ва қонун талабларига мувофиқ ҳал этилаётга-ни тизим самарадорлигини кўрсатади.

Шунингдек, юқори инстанция суд-лари томонидан амалга оширилаёт-ган апелляция, кассация ва тафтиш ишлари ҳам қонунийликни таъмин-лашда муҳим назорат механизми сифатида хизмат қилмоқда. Қабул қилинаётган хусусий ажримлар эса, қонунбузилиши ҳолатларининг олди-ни олиш, масъул органлар эътибори-ни ишда йўл қўйилган муаммоларга қаратишга хизмат қилмоқда.

Мисол учун 2025 йилда Тошкент шаҳри фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолияти суд-ҳуқуқ тизими-даги ислохотлар, рақамли трансфор-мация ва замонавий бошқарув меха-низмлари билан уйғун ҳолда изчил ривожлангани — мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизими тубдан ислоҳ қили-нишининг амалий ифодасидир. Шу билан бирга, суд амалиёти таҳлили давомидида аниқланган қонунбузилиши ҳолатларига нисбатан процессуал чо-ралар кўрилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизими-да амалга оширилаётган рақамли трансформация жараёнлари жа-миятимиз ҳаётида ҳам изчил ва ти-

зимли характер касб этмоқда. Чун-ки “Рақамли суд” концепциясининг жорий этилиши суд ишларини юри-тишда шаффофликни таъминлаш, одил судлов жараёнларида инсон омилини камайтириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва кор-рупция хавфларини пасайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис “Рақамли суд” концеп-циясининг босқичма-босқич жорий этилиши суд тизими янада очик, тез-кор ва самарадор бўлишига хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу жа-раёнлар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишонч-ли ҳимоя қилиш, судга муурожаат қи-лишда ортиқча оворагарчиликларни бартараф этиш, адолат ва ҳолислик принципларини ҳаётга татбиқ этиш-га қаратилганлиги билан улкан аҳа-мият касб этади. Янги Ўзбекистонда рақамли адолат сари қўйилаётган бу қадамлар келгусида ҳам суд-ҳуқуқ ти-зимини модернизация қилиш, одил судлов сифати ва самарадорлиги-ни янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

## ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2026 йил 27 январь кун Тошкент шаҳри ички ишлар бош бошқармаси ҳузуридаги Қўриқлаш бош-қармасида давлат ҳамда жа-мият хавфсизлиги тўғри-дан-тўғри таҳдид қилаётган уюшган жиноятчилик, нарко-жиноятлар, кибержиноятлар ва яширин иқтисодийёт бўйича таъсирчан чораларни белги-лаш юзасидан бўлиб ўтган видеоеселектор йиғилишида судьяларнинг хизматини ана шундай эътироф этгани бе-жиз эмас.

Бинобарин, жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти суд-лари томонидан 2024 йилда — 16 нафар, 2025 йилда 19 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукмлари чиқарилди. Утган йили 10 нафар шахсга нисба-тан чиқарилган оқлов ҳукмла-ри биринчи босқич судлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, апелляция босқичида — 5 нафар, кассация ва тафтиш инстанцияси судлов ҳайъат-лари суд мажлисларида 4 на-фар шахс оқланган.

Суднинг адолатли қарори билан оқланган шахслар ора-сида “Бухоро курилиш мол-лари савдо маркази” масъу-лият чекланган жамияти раҳбари Ғайбулла Аvezов ҳам бор.

Бу ҳақда батафсил фикр

юритадиган бўлсак, Ғ.Аvezов 2020 йил 14 сентябрда “Бухо-ро сув таъминот” масъулияти чекланган жамияти шаҳар фи-лиали билан ичимлик суви ет-казиб бериш ва тўловни амал-га ошириш бўйича тузилган шартномага кўра, ҳар ойнинг 20-25 санаси оралиғида сарф-ланган ичимлик суви бўйича ҳисобот топшириши, сув таъ-миноти учун 100 фоиз олдин-дан тўловни амалга ошириши керак эди. Аммо 2023 йил 25 апрель ҳолатида истеъмо-л қилинган ичимлик суви учун 15 миллион 256 минг сўмлик қарздорлик юзага келади.

Шундан сўнг Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги “Коммунал хизмат-лар кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қа-рори 109-бандига асосан, Ғ.Аvezов раҳбарлигидаги масъулияти чекланган жа-миятга қарашли ҳўжалик юри-тувчи субъектлар тармоқдан узиб қўйилди. Бироқ улар умумий фойдаланишдаги сув қувури тармоғига ўзбошимча-лик билан улашиб, 2023 йил 15 июндан 19 июнга қадар 88 миллион 561 минг 285,6 сўм-лик ичимлик сувидан ноқону-ний фойдаланилган. Бу ўзбо-шимчилик оқибаотида “Бухоро сув таъминот” масъулияти чекланган жамият шаҳар фи-лиалига жами 1 миллиард 217 миллион 717 минг 677,9

сўм — жуда кўп миқдорда мод-дий зарар етказилган.

Тергов органи томонидан ана шу ҳисобланган зарар ай-бловга асос қилиб олинган. Ўз навбатида, масъулияти чекланган жамият раҳбари Ғ.А-vezовга нисбатан қўзғатилган жиноят иши судга ўтказилган.

Биринчи босқич судининг 2024 йил 7 мартдаги ҳукмига кўра, Ғ.Аvezов Жиноят кодек-сининг 185<sup>2</sup>-моддаси 4-қисми ва 169-моддаси 2-қисми “б,д” бандлари билан айбдор деб топилган. Унга нисбатан Жи-ноят кодексининг 59-моддаси тартибида 3 йил 2 ой озод-ликдан маҳрум қилиш ҳазоси тайинланган. Судланувчидан “Бухоро сув таъминот” масъу-лияти чекланган жамият фойдасига 1 миллиард 217 миллион 717 минг 677,9 сўм етказилган зарарни ундириш белгиланган.

Қонун мезонларига эъти-бор қаратадиган бўлсак, ишни айблов ҳулосаси ёки айблов далолатномаси билан суд-га юбориш ва айблов ҳукми чиқариш учун Жиноят-про-цессуал кодексининг 82-мод-дасида назарда тутилган та-лаблар исботланган бўлиши керак. Бунда жиноят объекти, жиноят тўғрисида етказилган зиённинг хусусияти ва миқдо-ри, содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли

## Оқлов! Аvezов

оқбатлар ўртасидаги саба-бий боғланиш, шунингдек, жиноятнинг ушбу шахс то-монидан содир этилганлиги, жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишонини оқибатида содир этилганлиги, жиноят-нинг сабаблари ва мақсадла-ри аниқланиши шарт.

Шунингдек, Олий суд Пле-нумининг 2014 йил 23 майда-ги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарори 4-бандидаги раҳбарий тушунтиришларга кўра, иш бўйича ҳукм иш материалла-рида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлди-рилгандан кейингина чиқари-лиши мумкин.

Бунда иш бўйича исбот-ланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва хо-лисона текшириб чиқирилиши керак. Судланувчининг жи-ноят содир қилганлигини ҳам фош этадиган, ҳам оқлай-диган ҳар бир далил, Жино-ят-процессуал кодексининг 95-моддасига мувофиқ, ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи назари-дан баҳоланиши лозим.

Афсуски, Ғ.Аvezовга нисба-

тан юритилган жиноят ишида қоридидаги процессуал қонун талаблари исботланмаган. Шунингдек, Олий суд Пленуми қоридидаги раҳбарий тушун-тиришларига риоя этилмаган. Иш ҳолатидан англашили-шича, Ғ.Аvezов раҳбарлиги-даги масъулияти чекланган жамиятга қарашли бозор ҳу-дудидида 100 га яқин тадбир-корлик субъекти курилиш моллари савдоси фаолияти билан шуғулланади. Ҳар би-рига алоҳида-алоҳида сув ҳи-سوبлаш ускунаси ўрнатилган. Фойдаланилган ичимлик суви учун назоратчилар тадбир-корлик субъектларидан пул йиғиб чиқишади ва бухгалтерия орқали ёки тўғридан-тўғри “Бухоро сув таъминот” масъу-лияти чекланган жамият шаҳар филиали ҳисоб қақа-мига тўлаб берилади.

Судланган Ғ.Аvezов иш жойида ичимлик сувидан қарздорлик юзага келган-лигидан хабарсиз бўлган. Қарздорлиқни Иқтисодий жи-ноятларга қарши курашиш департаменти Бухоро шаҳар бўлимига чақиртирилиб, ҳо-лат юзасидан тушунтириш хати олганларида билган.

## ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ БАРҚАРОР СУРЪАТДА РИВОЖЛАНМОҚДА

### ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Махсулотларни барқарор етказиб бериш, техник тартибга солиш ва рақамли савдога оид минтақавий ёндашувларни ишлаб чиқиш мақсадида Марказий Осиё мамлакатлари ва АҚШ ўртасидаги Савдо ва инвестициялар бўйича ҳадли битим (TIFA) доирасида ҳамкорликни фаоллаштириш таклифи билдирилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Президентини АҚШ савдо вакили Жеймисон Грирни жорий йилнинг июнь ойида бўлиб ўтадиган Тошкент халқаро инвестиция форумида иштирок этишга таклиф қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Вашингтон шаҳрига ташрифнинг ишбилармонлик дастури доирасида икки томонлама ҳужжатларни имзолашга бағишланган маросим ва қўшма лойиҳалар тақдиротида иштирок этди.

Тадбирда АҚШ ҳукумати ва молия

институтлари вакиллари – савдо вакили Жеймисон Грир, Президентнинг махсус вакили Паоло Замполли, ЭКсимбанк президенти ва раиси Жон Йованович, АҚШ – Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэм, шунингдек, “Traxys”, “Valmont Industries”, “Gulf Oil”, “Avigen Broiler Breeding Group”, “John Deere”, “BlackRock Financial Markets Advisory”, “Oppenheimer” ва бошқа етакчи компаниялар раҳбарлари иштирок этди.

Видеоалоқа орқали учрашувда Ўзбекистон ҳудудлари раҳбарлари ҳам қатнашди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида янги, амалий форматда ўтаётган ушбу учрашув бундан аввалги давра суҳбатининг мантқиқий давоми ҳамда иқтисодий шериклик стратегияси ишонч ва ўзаро манфаатдорлик руҳида юксак даражага кўтарилганлигининг ифодаси эканини таъкидлади.

– Бугунги кунда шериклар ишонч-

ли, қоидалар аниқ-равшан, ҳамкорлик эса узоқ муддатли бўлиши етакчи ўринга чиқмоқда. Биз Америка Қўшма Штатлари билан ҳамкорлигимизни айнан шу мантқиқ асосида курмоқдамиз, – деди Президентимиз.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг муҳим йўналишларига тўхталиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари иқтисодиёт Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик шерикликнинг асосий таянч нуқталаридан бири эканини таъкидлади.

Қўшма Штатлар билан ҳамкорликнинг устувор йўналишлари қаторида ўта муҳим ҳомаш, нефть-кимё, энергетика, қишлоқ хўжалиги, паррандчилик ва бошқа тармоқлар кўрсатиб ўтилди. АҚШ Халқаро молиявий тараққиёт корпорацияси ва ЭКсимбанкнинг битимларга ҳамроҳлик қилишда доимий ҳамкорлар сифатидаги роли ортиб бораётгани алоҳида қайд этилди.

Қўшма Ишбилармонлик ва инвестиция кенгашининг салоҳиятидан фаол фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди.

Ҳудудлараро алоқаларни мустаҳкамлаш доирасида Ўзбекистон ҳудудлари раҳбарларининг АҚШнинг ҳамкор штатларига ташрифларини ташкил этиш топширилди.

Давлатимиз раҳбари ҳузурида ёқилги куйиш шохобчалари тармоғини куриш, ёмғирлатиб сугориш технологияларини жорий этиш, муҳим минералларни қазиб олиш ва етказиб бериш, паррандчилик кластерини ташкил этиш, агросаноат, молия бозорини ривожлантириш ҳамда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига амалий ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

### ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси “Богота ҳаракатлар қақуруви”га қўйилган ҳамда Болаларга нисбатан зўравонликка чек қўйиш бўйича глобал альянс аъзолигига қабул қилинган. “Богота ҳаракатлар қақуруви” нафақат болаларга нисбатан зўравонликка барҳам беришга қаратилган глобал ташаббус, балки глобал мажбурият ҳамдир.

Президентимизнинг 2025 йил 24 декабрдаги Фармони билан тасдиқланган 2026–2030 йилларга мўлжалланган Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳамда қилиш стратегияси ҳам ана шу эзгу мақсадга қаратилган. Фармонга биноан, 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб, зўравонликдан жабрланган ва зўравонликка гувоҳ бўлган болаларга улар тегишли процессуал хатти-ҳаракатларга жалб этилган вақтдан эътиборан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди.

Эндиликда болаларга нисбатан уларнинг қонуний вакиллари ёки бошқа қариндошлари томонидан зўравонлик ҳолатлари бўйича ишни судга қадар юритиш ва суд муҳокамаси жараёнларидаги барча процессуал ҳаракатларни амалга оширишда васийлик ва ҳомилий орган вакили мажбурий тартибда иштирок этади. Зўравонликдан жабрланган болаларнинг дастлабки кўрсатмалари мажбурий тартибда видеоёзув орқали қайд этилади ҳамда мулкчи-

### ■ Шарҳ

## Болалар — эртанги кунимиз эгалари

уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш борасидаги муҳим қадам

лик шаклидан қатъи назар, таълим, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ташкилотлари ходимлари томонидан болаларга нисбатан зўравонлик билан боғлиқ аниқланган фактлар ҳақида хабар бермаганлик учун маъмурий жавобгарлик жорий этилади.

Бундан ташқари Рақамли технологиялар вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура ва Олий суд билан биргаликда ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳамда зўравонлик содир этган ёки уни содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақидаги маълумотларни алмашиш ва улар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ягона электрон платформа ишлаб чиқилмоқда. Бундан мақсад болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳамда қилиш жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этишдир.

Бунда платформа давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ҳамда “112” қисқа рақами орқали фуқароларнинг қақурувларини қабул қилиш ҳамда автоматлаштирилган тарзда қайта ишлаш имконини берувчи ягона диспетчерлик хизмати билан “Рақамли ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали интеграция қилинади. Болаларга нисбатан содир этилган зўравонлик ҳолатларининг ягона статистика ҳисоби ва ҳисоботини юритиш, статистика органларига тақдим этиш, шунингдек, болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг ҳар бир босқичини кузатиб бориш имконияти яратилади.

Фармонда болаларга нисбатан зўравонликнинг барча шаклларига бўлган мурасасизлик муҳитини шакллантириш, уларнинг ҳуқуқла-

ри, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга доир бир қатор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлиғини сақлаш, иқтисодий қўллаб-қувватлаш, илмий, ижодий, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга хизмат қилади.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **биз учун жамиятда бегона бола йўқ ва бўлмаслиги керак. Ҳаммаси ўзимизнинг, Ўзбекистонимизнинг болалари. Вақтида меҳр кўрсатсак, ишга, илмга, касбу ҳунарга, эзгу фазилатларга ўргатсак, уларнинг йўлини очиб берсак, эртага фойдаси ўзимизга, жамиятимизга тегади.**

**Дилдора ПЎЛАТОВА,**  
жиноят ишлари бўйича  
Хива шаҳар суди  
тергов судьяси



## айбдор эмас

### ёки исботланмаган қонун талаблари



“Бухоро сув таъминоти” масъулияти чекланган жамият шаҳар филиали томонидан сув қувури муҳри бузилганлиги ҳолати бўйича далолатнома расмийлаштирилганини ҳам уша ерда эшитган.

Ф.Авезов судда берган баёнотида таъкидлашча, сув таъминоти жамияти билан тузилган шартномага у имзо қўймаган. У шартнома шартлари билан ҳам таниш эмас.

Ф.Авезов ёки у раҳбари бўлган масъулияти чекланган жамиятга сув қувури тармоғидан яширинча фойдаланишдан ҳеч қандай манфаат йўқ,

чунки сувдан тижорат мақсадида фойдаланилмайди. Ҳар бир тадбиркор ишлатган сувнинг пулини ўзи тўлайди.

Мантқан олганда, сув қувури тармоғи муҳрларига қасддан шикаст етказиб, ўзбошимчалик билан уланishi ва ундан ноқонуний фойдаланиш Ф.Авезовга ўзи нимага керак?

Судланган Ф.Авезовга қўйилган Жиноят кодексининг 185<sup>2</sup>-моддаси ва 169- моддасида кўрсатилган жиноятлар эса, қасддан содир этилган ҳисобланади. Нега деганда, ушбу жиноятлар субъектив

томондан ҳамма вақт қасддан содир этилади. Бироқ на тергов органи ва на биринчи босқич судида айнан Ф.Авезов томонидан сув қувурининг муҳри бузилганлиги ва ичимлик сувдан ноқонуний фойдаланилганлиги ҳақида бирор-бир далил тўпланмаган.

Янада қизиғи, сув қувурининг муҳри тўрт марта ким ёки кимлардир томонидан бузилиб, ичимлик сувдан ўзбошимчалик билан фойдаланилганлиги юзасидан “Бухоро сув таъминоти” масъулияти чекланган жамият ходимлари Ф.Юнусов, М.Юнусов, С.Шоҳимардонов, Ҳ.Товбаев, “Туткунда” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Б.Тўраев (исм-шарифлар ўзгартирилган) томонидан далолатномалар расмийлаштирилган. Истеъмомчи вакили сифатида Л.Элмуродов баъзи далолатномаларга киритилган, аммо у имзо қўйишдан бош тортганлиги қайд этилган.

Л.Элмуродовнинг далолатномага имзо қўйишдан бош тортганлигининг сабаби бор. У шу яқин атрофдаги “Когон сардор сервис савдо” жамияти раҳбари вазифасида ишлайди, Ф.Авезов раҳбар масъулияти чекланган жамиятга алоқадор эмас. Л.Элмуродов уни қақуриганлари учун сув таъминоти ходимлари ол-

дига борган, маҳалла фуқаролар йиғини раисига ҳам, сув таъминоти жамиятидаги ҳам, гўёки бозорнинг раҳбари Ф.Авезов эканлигини айтган.

Шу ўринда яна иш ҳолатларига қайтадиган бўлсак, далолатномаларни расмийлаштиришда жамият вакили иштирок этмаган, ушбу қоидабузарлик ҳақида жамиятга маълум ҳам қилинмаган. 2023 йил 19 июнь кун расмийлаштирилган далолатномада қувур муҳри бузилганлиги қайд этилган бўлса-да, ана шу муҳрнинг рақами кўрсатилмаган. Қувур қайтадан муҳрланганда ҳам, қандай рақамдаги муҳр қўйилганлиги ёзилмаган. Суднинг суровига “Бухоро сув таъминоти” акциядорлик жамияти томонидан бу ҳақда маълумот тақдим этилмаган.

Бухоро вилояти ИИБ ЭКМнинг хатшунослик экспертиза хулосаси сув таъминоти жамияти билан тузилган шартномадаги имзо бошқа шахсга тегишли эканлигини кўрсатди. Бундай ҳолатда Ф.Авезов тузилган шартнома юзасидан бирор-бир мажбуриятга эга эмас.

Шу тариқа Ф.Авезов қувурнинг муҳрини бузиб, ичимлик сувдан ноқонуний фойдаланганлиги ўз исботини топмаган. Унинг айбдорлигига

оид шубҳаларни бартараф этиш имкониятлари эса, туғган. Шунинг учун судлов ҳайъати биринчи босқич судининг Ф.Авезовга нисбатан чиқарган ҳукмини бекор қилди ва содир этилган жиноятга дахли бўлмаганлиги сабабли уни Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси 3-бандига асосан, оқлади.

Хулоса шуки, бировнинг жиноий қилмиши учун айбсиз одам жазоланмаслиги керак. Ҳайбулла Авезов жамиятида қонун устуворлиги, одил судлов таъминланаётганлиги, жиноятга дахли йўқлиги сабаб оқланди. Оиласи, яқинлари, маҳалла-қўй, таниш-билишлари олдида юзи ёрғ бўлишига эришди.

Лекин жиноятни ким ёки кимлар содир этган? Айбдор ёки айбдорлар топилши, жиноятга жазонинг муқаррарлиги таъминланиши керак. Судлов ҳайъати, Жиноят-процессуал кодексининг 470-моддасига кўра, мазкур жиноятни содир этган шахсларни аниқлаш ва уларни жиноий жавобгарликка тортиш учун ишни прокурорга юборди.

**Илбосжон УСМОНОВ,**  
Бухоро вилоят суди раиси  
ўринбосари – жиноят  
ишлари бўйича судлов  
ҳайъати раиси

### ■ Менда таклиф бор

## Жамоавий ариза бериш

унинг ҳуқуқий жиҳатлари нималардан иборат?



### ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Хўш, судларга қандай тартибда жамоавий ариза билан мурожаат қилинади? Бунинг қандай қулай ва афзал жиҳатлари бор?

Айтиш керакки, хорижий давлатлар суд амалиётида жамоавий аризаларнинг бир нечта тури мавжуд. Жумладан, маъмурий судларда, асосан, қурилиш-архитектура билан боғлиқ, атроф-муҳитга зарар етказилишига тегишли ва маълум бир ҳудудда яшовчи фуқароларнинг жамоат манфаатларини ҳимоя қилишга тааллуқли низолар кўриб чиқилади.

Бундай низо турлари орасида идоравий-норматив ҳужжатлар билан боғлиқ жамоавий низолар алоҳида ўрин тутди. Чунки мазкур тоифадаги ишларни кўриб чиқиш кенг доирадаги ҳуқуқий нормалар ўзгаришига олиб келиши мумкин.

Ақсарият хорижий давлатларда жамоавий тарзда ёзилган аризани судга тақдим этиш билан иш шакллантирилади. Масалан, АҚШ федерал қонунчилигига кўра, жамоавий аризалар суднинг ташаббуси билан судга тақдим этилган бир нечта ариза ни бирлаштириш орқали ҳам шакллантирилиши мумкин.

Шу ўринда савол туғилади: судга жамоавий ариза тақдим этишда аризачилар сонини белгилаш керакми? Негаки, аризачилар сони аниқ белгиланмаса, 3-4 нафар шахс томонидан берилган ариза ҳам жамоавий ариза, деб топилши мумкин. Бу, ўз навбатида, аризалар билан жамоавий аризаларнинг фарқини ажратиши қийинлаштирилади.

Шу маънода АҚШ қонунчилигида жамоавий аризачилар сони 100 нафар ва ундан кўп бўлиши талаб этилади. Россия қонунчилигида эса, 20 нафардан кўп фуқаронинг аризага қўшилиши назарда тутилган.

Шунингдек, АҚШ тажрибасига кўра, аризачилар сони 100 нафар ва ундан кўп бўлган ҳолларда ҳар бир фуқаро

гуруҳларга бириктирилади ва фақат бу гуруҳларнинг вакиллари судда иштирок этади. Фуқаролар ўзлари хоҳлаган вақтда ушбу гуруҳдан чиқиши ёки бошқа гуруҳга қўшилиши мумкин. Суднинг қарори ҳам умумий жамоа манфаатларини инобатга олган ҳолда қабул қилинади.

**Шу ўринда савол туғилади: судга жамоавий ариза тақдим этишда аризачилар сонини белгилаш керакми? Негаки, аризачилар сони аниқ белгиланмаса, 3-4 нафар шахс томонидан берилган ариза ҳам жамоавий ариза, деб топилши мумкин. Бу, ўз навбатида, аризалар билан жамоавий аризаларнинг фарқини ажратишни қийинлаштирилади.**

Албатта, миллий суд амалиётида ушбу тартибнинг жорий этилиши фуқароларга янги қулайлик ва имкониятлар яратиши билан муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу мавзуга доир мавжуд суд амалиётлари таҳлил

қилинганда, жамоавий ариза беришнинг шундай ўзига хос жиҳатлари кўзга ташланади: жамоавий ариза беришда барча аъзоларнинг бир хил ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зарар етказилган бўлиши керак.

Маълум аъзолардан бирининг бошқа ҳуқуқлари ёки манфаатига зарар етказилган бўлса, у ҳолда, бундай ариза жамоавий ариза деб эътироф этилмайди. Суд иши юритилаётган вақтда юқоридаги ҳолат аниқланса, тегишли шахсни жамоавий аризадан чиқариш ваколати судьяга берилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Чунки жамоавий ариза билан боғлиқ суд ҳужжати барча учун бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятни келтириб чиқаради. Бироқ ушбу суд ҳужжати кенг доирада ўз таъсирини кўрсатади, айрим ҳолларда жамият учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Шу нуктага назардан, Маъмурий суд ишларини юритиш кодексида “127<sup>1</sup>-модда. Жамоавий ариза бериш ва уни кўриб чиқиш тартиби” деган янги ҳуқуқий нормани киритишни таклиф этамиз. Ушбу моддада қуйидаги нормалар ўз ифодасини топса, мақсадга мувофиқ бўларди:

Жамоавий аризалар йигирма ва ундан кўп аризачиларнинг умумий аризасига асосан ёки аниқ бир асос ва аниқ бир предметдан иборат бир нечта аризаларнинг аризасини бирлаштириш орқали шакллантирилади. Бунда аризачилар шахсан иштирок эта олманган ҳолларда, ушбу аризада ўз вакилларини кўрсатишлари лозим. Ўз навбатида, ушбу вакилнинг ҳам бошқа аризачилардек ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилган бўлиши шарт ҳисобланади.

Жамоавий ариза судда қўрилади, бошқа шахс томонидан алоҳида худди шундай талаб, асос ва предмет билан ариза берилса, суд томонидан ушбу шахсга жамоавий аризага қўшилиши мумкинлиги тушунтирилади, тегишли шахс рози бўлмаса, унда унинг аризаси қўриқилмайди ва жамоавий аризага чиқарилган қарор қонуний қучга қирғунча тўхтаб турилади. Судда жамоавий ариза юзасидан иш мавжуд бўлса ёки суд ҳужжати қабул қилинган бўлса, шу жамоанинг иштирокчиси томонидан қайтадан худди шундай асос ва предмет бўйича судга индивидуал тарзда ариза бериш мумкин эмас.

Муҳтасар айтганда, жамоавий ариза бериш хорижий суд амалиётида кенг қўлланилмоқда. Унинг афзалликлари шундаки, барча иштирокчилар тенг ҳуқуқ ва мажбуриятга эга бўлибгина қолмасдан, балки далилларни тақдим этиш, иш ҳолатларга аниқлик киритишда биргаликда ҳаракат қилишлари суд ҳаражатларини камайтиришга олиб келади. Натижада қимматли вақт ва маблағ тежаллади, ортиқча оворагарчиликларнинг олди олинади.

**Ситора САДРИДДИНЗОДА,**  
Самарқанд вилояти  
маъмурий суди судьяси  
катта ёрдамчиси

